



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Зомин тумани**

**2022 йил 23 сентябрь 4-1303-2201/1725-сонли иш**

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдазов котиблигида, Зарбдор туман прокурорининг даъвогар “GIDROMONTAJ KONSTRUKTOR” масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар “BO’STON STROY SHIFER” масъулияти чекланган жамиятини бинодан мажбурий тартибда чиқариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича ишни Зарбдор туман прокурори ёрдамчиси М.Ўразалиев, даъвогар вакили З.Явкаштиев (2022 йил 29 апрелдаги 02-сонли ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Зомин туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, суд куйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Зарбдор туман прокурори (бундан буён матнда “Прокурор” деб юритилади) “GIDROMONTAJ KONSTRUKTOR” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Даъвогар” деб юритилади) манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “BO’STON STROY SHIFER” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади)ни даъвогарнинг биносидан мажбурий тартибда чиқариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган прокурор даъво талабини қўллаб-қувватлаб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб-қувватлаб, тарафлар ўртасида 2018 йил 1 октябрда ишлаб чиқариш биноларини, маъмурий биноларни, техника ва механизмларни ижарага бериш юзасидан 10/18-сонли ижара шартномаси расмийлаштирилганлигини, мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йилнинг 1 октябрь кунига қадар белгиланганлигини, бироқ жавобгар шартноманинг муддати тугаган бўлса-да, даъвогарга тегишли биноларни ўн ойдан буён топширмасдан келаётганлигини, жавобгарга ижара шартномаси муддатини узайтириш ёки бинони топшириш тўғрисида бир неча мартаба ёзма мурожаатлар қилинган бўлса-да, мурожаатлари жавобсиз қолдирилганлигини, шу сабабдан туман прокурори орқали судга даъво аризаси киритилганлигини маълум қилиб, даъво аризани қаноатлантиришни сўради.



Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар бугунги суд мажлисига келмади ёки вакиллари иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларига асосан ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд ишдаги мавжуд хужжатлар билан танишиб, ишда иштирок этган прокурор ва даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, ишга тақдим этилган хужжатлар-далилларга тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра, даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Иш хужжатлари ва судда аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2018 йил 1 октябрда ишлаб чиқариш биноларини, маъмурий биноларни, техника ва механизмларни ижарага бериш юзасидан 10/18-сонли ижара шартномаси расмийлаштирилган.

Ушбу шартноманинг 5.1-бандида, шартноманинг бошланиш муддати 2018 йил 1 октябрдан бошланиши ва 2021 йил 1 октябрда яқунланиши кўрсатиб ўтилган.

Даъвогар жавобгарга бир неча маротаба мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган ижара шартноманинг муддати тугаганлигини, шартномага ўзгартириш киритиб, ушбу муддатни узайтириш ёки бинони жаъвогарга топширишни сўраган бўлса-да, жавобгар томонидан ушбу мурожаатлар оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли, Прокурор даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарни бинодан мажбурий тартибда чиқариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Даъво талаби асосли, чунки Ўзбекистон Республикаси “Ижара тўғрисида” 1991 йил 19 ноябрдаги қонунининг 13-моддасида, ижара шартномаси шартларининг ўзгартирилишига, унинг бекор қилинишига ва тўхтатилишига томонларнинг келишуви билан йўл қўйилиши, 14-моддасида ижара шартномаси муддати тугаганидан кейин ҳам ижарачи ижарага олинган мулкдан амалда фойдаланишни давом эттираверса ҳамда ижарага берувчи ижара шартномаси муддати тугагунига қадар бунга ҳеч қандай эътироз билдирмаган ва шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда шартнома худди шу муддатга давом эттирилган ҳисобланиши, 17-моддасида ижара шартномаси тўхтатилгач, ижарачи мулк, ер ва бошқа табиий ресурсларни шартномада айтиб ўтилган ҳолатда ижарага берувчига ўз вақтида қайтаришга мажбур эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 357-моддасига кўра, Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин.

Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб қўйилган охириги муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади.



Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Шунингдек, ушбу кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажариши керак.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб суд, тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаб, ўтиб кетганлиги, ижарага берувчи даъвогар ижарачи жавобгарга бинони топшириш ёки шартнома муддатини узайтириш бўйича мурожаатлари оқибатсиз қолдирилганлиги сабабли даъво аризани қаноатлантириб, жавобгарга бинодан чиқиш мажбуриятини юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён қилинганларга асосан суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, прокурор ва даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгарга тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли, даъвогарга тегишли бўлган бинодан чиқиш мажбуриятини юклашни, жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати ундиришни ҳамда жавобгардан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 3 000 000 сўм давлат божи ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 127-129, 170, 176-179, 186-188, 192-моддаларига амал қилиб, суд

## **Қ А Р О Р   Қ И Л Д И:**

Зарбдор туман прокурорининг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

“BO’STON STROY SHIFER” масъулияти чекланган жамиятига “GIDROMONTAJ KONSTRUKTOR” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бинодан чиқиш мажбурияти юклатилсин.

“BO’STON STROY SHIFER” масъулияти чекланган жамиятидан “GIDROMONTAJ KONSTRUKTOR” масъулияти чекланган жамияти фойдасига олдиндан тўланган 24 000 сўм суд почта харажати ундирилсин.

“BO’STON STROY SHIFER” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 3 000 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, шу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор ишда иштирок



этувчи шахсинг мурожаати бўлган тақдирда протест келтириш) қилишга ҳақли.

**Раислик этувчи, судья**

**Ш.Х.Бегматов**

Ҳужжат имзоланган: Бегматов Шомурод Хамдамович, 23.09.2022

